

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**Бухоро мұхандислик технология институти
«ЖАРОХАТЛАНГАНДА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КҮРСАТИШ»
ФАНИДАН**

МУСТАҚИЛ ИШ

Мавзу: НАФАС ОЛИШ СИСТЕМАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Бажарди:

Н.Н.Садуллаева

Қабул қилди:

доц. Ю.С.Бешимов

БУХОРО – 2016 й.

Режса:

- 1. Нафас олишининг аҳамияти.*
- 2. Нафас олиши аъзоларининг тузилиши.*
- 3. Овоз аппарати.*
- 4. Нафас ҳаракатлари*
- 5. Ўпка ва тўқималарда газлар алмашинуви*
- 6. Турли мухит шароитида нафас олиши*
- 7. Нафас олишининг бошқарилиши*
- 8. Сунъий нафас олдириши*
- 9. Нафас олиши аъзоларининг касалликлари*
- 10. Нафас олиши аъзолари гигиенаси*



1. Нафас олишнинг аҳамияти

Одам ва ҳар бир бошқа тирик организм ташқи мұхитдан кислород қабул қилиб, карбонат ангидрид газини чиқариб туриши нафас олиш деб аталади. Нафас олиш ҳар бир тирик организмнинг ҳаёти учун энг зарур физиологик жараён ҳисобланади. Нафас олиш жараёни қуйидаги қисмлардан иборат: 1. Ўпка алвеолалари ва ташқи мұхит ўртасида кислород ва карбонат ангидрид алмашинуви (ташқи нафас олиш). 2. Ўпка алвеолалари ва ўпканинг капилляр қон томирлари ўртасида кислород ва карбонат ангидрид алмашинуви. 3. Қон ва тўқималар ўртасида кислород ва карбонат ангидрид алмашинуви (ички нафас олиш). Нафас олиш орқали ташқи мұхитдан қабул қилинган кислород иштирокида хужайра ва тўқималарда оқсил, ёғ ва углеводлар оксидланиб, энергия ҳосил қиласди. Хужайра ва тўқималардаги барча ҳаётий жараёнлар (қўзғалиш, ҳаракатланиш, кўпайиш) ана шу энергия ҳисобига амалга ошади. Бу ҳаётий жараёнлар натижасида ҳосил бўлган карбонат ангидрид гази хужайра ва тўқималардан қонга ўтиб, ўпкалар орқали ташқи мұхитга чиқарилади.


2. Нафас олиши аъзоларининг тузилиши

Нафас олиш аъзоларига: бурун бўшлиғи, хиқилдоқ, кекирдак (трахея), бронхлар, ўпкалар ва плевра пардалари киради.

Бурун бўшлиғи. Бурун бўшлиғи юқори, пастки ва иккита ён девордан ташкил топган. Бурун бўшлиғи ўртасидан иккига бўлинган. Унинг ички юзаси шилимшиқ парда билан қопланган. Бу пардада жуда кўп майдада безчалар бўлиб, улардан шилимшиқ суюқлик ажралади. Шиллик парда майдада қон томирлари ва нерв толаларига бой.



1-бурун бўшлиги; 2- ҳалқум; 3- ҳиқилдоқ; 4- кекирдак (трахея); 5-бронхлар; 6- бронхиолалар (майда бронхлар); 7- алвеола пуфакчалари; 8- алвеола бўшлиги; 9- алвеолалар атролини ўраб турган майда капилляр қон томирлар; 10- плевра пардаси; 11- диафрагма.



Бурун бўшлиғининг олдинги қисмида майда тукчалар бўлади. Улар нафас олинадиган ҳаво таркибидаги чанг заррачаларини тутиб қолиб, организмни химоя қилиш вазифасини бажаради. Нафас олганда ташқи муҳитдан кирган ҳаво бурун бўшлиғи орқали ўтганда илийди, намланади ва чанг заррачаларидан тозаланади. Шундан кейин бу ҳаво ҳалқум орқали ҳиқилдоққа ўтади. Ҳиқилдоқ бўйин умуртқалари рўпарасида жойлашган. У олд томондан тил ости суяги мускуллари ва тери, ён томондан қон томирлари ва нерв толалари ҳамда қалқонсимон без билан чегараланган. Ҳиқилдоқ ҳаво ўтказувчи нафас ёъли вазифасини бажаришдан ташқари, у товуш ҳосил қиласидан овоз аппарати ҳамдир. Унинг ички қавати тулди шилимшиқ пардадан иборат, девори эса тоғай ва мускуллардан ташкил топган. Ички қаватининг ўртасида товуш бойламлари ва мускуллари жойлашган бўлиб, уларнинг ҳаракати, қисқариши ва бўшашиши натижасида овоз тешиклари очилиши ёки ёпилиши орқали товуш ҳосил бўлади. Ҳиқилдоқ узуксимон, қалқонсимон, ҳиқилдоқ усти каби учта йирик тоғайдан ва уч жуфт майда тоғайдан ташкил топган. Ҳиқилдоқда уч груп мускуллар бўлиб, уларнинг бир групни товуш тешигини кенгайтиради, иккинчи групни торайтиради, учинчи групни товуш бойламларини таранглаштиради. Ҳиқилдоқдан ҳаво унинг пастки қисмига туташган нафас ёълига, яни кекирдакка ўтади. Кекирдак (трахея) ва бронхлар. Кекирдак ҳиқилдоқнинг пастки қисмидан, яни ВИ-ВИИ бўйин умуртқалари рўпарасидан бошланиб, В кўкрак умуртқаси рўпарасигача давом этади ва шу жойда ўнг ва чап бронхларга бўлинади. Унинг узунлиги одамнинг бўйига қараб, 9-13 см гача йетади. Кекирдакнинг девори 16-20 та айланасимон тоғайлар ва пайлардан ташкил топган. Айланасимон тоғайларнинг орқа қисми силлиқ мускуллардан иборат. Кекирдакнинг ички қавати туксимон шиллик пардадан ташкил топган бўлиб, унда майда безчалар жойлашган. Улардан ажралган суюқлик ҳавони намлаб ўтказади. Туксимон силлиқ парда эса ҳаводаги чанг заррачаларини ушлаб қолиб, ташқарига чиқариб юборади. Бронхлар. В кўкрак умуртқаси рўпарасида кекирдакнинг иккига (ўнг ва чап бронхларга) бўлинишидан ҳосил бўлади. Бронхлар ўпка тўқимасига кириб, худди дараҳт шохига ўхшаб, жуда кўп майда бронхчаларга тармоқланади ва борн-борн алвеола пуфакчаларини ҳосил қиласиди. Кекирдак ва бронхлар нафас йўли хисобланиб, улар ҳавони

Бурун бўшлиғининг олдинги қисмида майда тукчалар бўлади. Улар нафас олинадиган ҳаво таркибидаги чанг заррачаларини тутиб қолиб, организмни химоя қилиш вазифасини бажаради. Нафас олганда ташқи муҳитдан кирган ҳаво бурун бўшлиғи орқали ўтганда илийди, намланади ва чанг заррачаларидан тозаланади. Шундан кейин бу ҳаво ҳалқум орқали ҳиқилдоққа ўтади. Ҳиқилдоқ бўйин умуртқалари рўпарасида жойлашган. У олд томондан тил ости суяги


илитиб, намлаб, майда чанг заррачаларидан тозалаб, ўпка алвеолаларига ўтказади.

Ўпка бир жуфт бўлиб (ўнг ва чап ўпка), конуссимон тузилган. Улар кўкрак қафасининг икки томонида жойлашган. Ўнг ва чап ўпканинг ўртасида кекирдак, қизилўнгач, қон томирлари, айрисимон без, нерв толалари, лимфа томирлари ва тугунлари ҳамда юрак жойлашган. Ўнг ўпка чап ўпкадан каттароқ бўлиб, у юқориги, ўрта ва пастки бўлакдан иборат. Чап ўпка эса юқориги ва пастки бўлакдан ташкил топган. Ўпкалар пастки томондан диафрагма, орқа томондан умуртқа поғонаси, олдинги томондан тўш суюги ва атроф томондан қовурғалар билан чегараланган. Ўпка тўқимаси дарахсимон шаклдаги ўртача, майда ва энг майда бронхчалардан ҳамда пуфакчасимон алвеолалардан ташкил топган. Ўпка тўқимаси бронхлар ва алвеолалардан ташкил топганлиги туфайли, у ғоваксимон тузилган бўлади. Ўпка алвеолаларида газ алмашинуви жараёни кечади. Уларнинг девори бир қаватли эпителий тўқимасидан иборат бўлиб, атрофи майда қон томирлари - капиллярлар билан тўрсимон шаклда ўралган. Алвеолаларнинг сони иккала ўпкада 750 млн атрофида бўлади. Алвеолаларнинг умумий сатҳи 100 м квни ташкил қиласи. Улар юзасининг бундай катта сатҳга эга бўлиши ўпка билан ташки мухит ўртасида ҳамда алвеолалар билан қон ўртасида газлар алмашинуви тезлашувини таъминлайди. Ўпкалар ташки томондан плевра пардаси билан ўралган. У икки қаватдан (ички ва ташки) иборат бўлиб, улар орасида торгина плевра бўшлиғи ҳосил бўлади. Плевра бўшлиғи ичидағи босим атмосфера босимига нисбатан кам, яъни манфий бўлади. Бу эса нафас олган пайтда ўпка тўқимасининг кенгайишига ва ундаги алвеолаларга ҳаво киришига, нафас чиқарганда эса торайиб, алвеолалардаги ҳавони қисиб чиқаришга имкон беради. Ўпкалар катта қон айланиш доирасидан келган бронхиал артерия томири орқали озиқланади. Кичик қон айланиш доирасининг томирлари, яъни ўпка артериялари ва ўпка веналари ўпка тўқимасини озиқлантиришда иштирок этмайди. Бу томирлардаги қон ўпка алвеолаларига ўзидағи карбонат ангидридни бериб, улардан кислород қабул қиласи, яъни веноз қон артериал қонга айланади.

3. Овоз аппарати

Юқорида айтилганидек, асосий овоз аппарати ҳиқилдоқда жойлашган. Ҳиқилдоқда жойлашган овоз бойламлари, мускуллари билан бирга, овоз ҳосил бўлишида тил, лаблар, оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи ва унинг юз, пешона суюклари орасида жойлашган қўшимча коваклари, ҳалқум, кекирдак, бронхлар ва ўпкалар ҳам иштирок этади. Одам гапирмай турганда ҳиқилдоқда жойлашган овоз бойламларининг тешиги очиқ ҳолда бўлади (у учбурчак шаклда). Пичирлаб сўзлагандан ҳам овоз тешиги очилган ҳолда бўлади. Сўзлашганда, куйлагандан овоз тешиги ёпилади ва ўпкадан нафас билан чиқариладиган ҳаво катта куч билан овоз бойламларига таъсир қилиб, уламинг тебраниши натижасида овоз ҳосил бўлади. Овоз бойламлари ўпкадан чиқариладиган ҳаво таъсирида бир секундада 80 мартадан 10 минг

мартагача тебраниши мумкин. Тебраниш қанча кўп бўлса, овоз шунча кучли бўлади . Овознинг ўткирлиги овоз бойламларининг калта ёки узун бўлишига боғлиқ. Аёлларда уламинг узунлиги ўртacha 18-20, эркакларда 20-22 миллиметр. Шунинг учун аёлламиング овози ўткир бўлади. Бундан ташқари, овознинг кучи ҳамма одамда бир хил бўлмайди. Кўшиқчиларда овознинг кучи бошқаламикига нисбатан анча катта бўлади. Баъзи қўшиқчилар куйлаганда, шипгаилинг қандилни тебратиб юборганлиги тарихда маълум. Махсус тайёргарликдан ўтган қўшиқчилар худди танбур ёки дутор симининг турли жойларидан ҳар хил овоз чиққанидек, овоз бойламларининг турли қисмларидан ҳар хил овоз чиқариш қобилиятига эга бўлади. Ҳар бир кишининг овози ўзига хос хусусиятга эга. Ҳатто чақалоқнинг йиғлаганидаги овози ҳам ўзига хос оҳангга, хусусиятга эга бўлади ва шу орқали она ўз боласининг овозини бошқа чақалоқлар овозидан фарқ қиласди. Албатта ҳаёт давомида одамнинг турли ёш даврларида овоз маълум даражада ўзгаради. Айниқса, ўсмирларда (12-18 ёшда) овознинг ўзгариши жуда сезиларли даражада бўлади. Чунки шу ёшда ҳиқилдоқ ва овоз бойламларининг узунлиги ўғил болаларда икки, қизларда бир ярим баравар ортади. Бунинг натижасида, айниқса, ўсмир ёшдаги ўғил болаларда овоз қўполлашиб, дўриллаб қолади. Бундан ҳавотирланмаслик керак. Бу физиологик хусусиятга эга бўлиб, ўсмирлик даври ўтгандан кейин овоз нормал ҳолга келади. Лекин ўсмирлик даврида баъзи гигиена қоидаларига амал қилиш зарур, яни қаттиқ гапирмаслик, бақирмаслик, кучли овоз билан ашула айтмаслик, чекмаслик, спиртли ичимликлар истеммол қилмаслик, шамоллашдан сақланиш, аччиқ таомларга ружу қилмаслик керак ва ҳоказо.



Овоз аппарати: 1- гапирганда ва ашула айтган вақтда овоз бойламлари оралиғидаги тешикнинг ёпик ҳолатда кўриниши; 2- пичирлаб гапирганда овоз тешигининг ярим очилган ҳолатда кўриниши; гапирмаган вақтда овоз тешигининг очиг ҳолатда (учбурчак шаклда) кўриниши. 1- ҳиқилдоқ; 2- ҳалқум; 3- ҳалқумнинг бурун тешиги; 4- оғиз бўшлиғи ва унинг қўшимча коваклари; 5- бурун бўшлиғи.

Баъзиларнинг фикрича, ёш бола қанча қаттиқ ва кўп йиғласа, гўё унинг овоз аппарати шунча яхши ривожланар эмиш. Бу нотўғри, чунки кўп ва қаттиқ йиғлаган бола овоз бойламларининг зўриқиши натижасида уларда майда пуфакчалар ҳосил бўлади. Бунинг оқибатида боланинг овози қўпол ва хириллаган бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ёш болани қаттиқ ва узоқ йиғлатмаслик лозим, яни уни тезда овutiш керак.

4. Нафас ҳаракатлари

Нафас ҳаракатиари нафас олиш ва нафас чиқаришдан иборат. Нафас олиш ҳаракати қовурғаларнинг кўтарилиши ва диафрагманинг пастга тушиши орқали таъминланади. Қовурғаиарнинг кўтарилиши бўйин ва ташқи қовурғалараро мускулламинг қисқариши натижасида юзага келади. Диафрагманинг пастга тушиши эса унинг мускуллари қисқариши натижасида содир бўлади. Бу ҳаракатлар натижасида кўкрак қафасининг ҳажми катталашади, ўпка кенгаяди ва ташқи муҳитдан ўпкага ҳаво сўриб олинади. Қовурғалараро мускулларнинг фаол иштирок этиши билан нафас олиш кўкрак билан нафас оУш деб аталади. Диафрагманинг кўпроқ ҳаракатианиши орқали нафас олиш қорин билан нафас олиш деб аталади. эркакларда асосан қорин билан нафас олиш, аёлларда эса асосан кўкрак билан нафас олиш ҳаракатиари ривожланган. Нафас олиш ҳаракатиарининг кўкрак ёки қорин орқали бажарилиши одамнинг ҳолатига, бажараётган ишига ҳам боғлиқ. Масалан, одам оғир юк кўтарган вақтда кўкрак қафаси ва умуртқа поғонаси юк учун таянч вазифасини ўтаганлиги сабабли кўкрак қафасининг ҳаракати қийинлашади. Шунинг учун нафас олиш ҳаракатида асосан диафрагма иштирок этади. Ҳомиладор аёлларда эса диафрагманинг пастга тушиш ҳаракати қийинлашади. Шу сабабли нафас олиш ҳаракатиари қовурғалараро мускулларнинг қисқариши орқали таъминланади. Нафас чиқариш ҳаракати ички қовурғалараро ва қорин мускулларининг қисқариши орқали таъминланади. Ички қовурғалараро мускуллар қисқарганда қовурғалар пастга тушади, қорин мускуллари қисқарганда диафрагма юқорига кўтарилади. Натижада кўкрак қафасининг ҳажми кичрайиб, ўпкаларнинг торайишига ва улардаги ҳавонинг ташқи муҳитга сиқиб чиқарилишига сабаб бўлади. Нафас олиш ва нафас чиқариш ҳаракатларида, яъни нафас олганда ўпкалар ҳажмининг кенгайиб-торайишида кўкрак қафаси ва плевра бўшлиғидаги босимнинг манфий бўлиши (атмосфера босимиға нисбатан 6 мм симоб устуни чамасида паст бўлиши) муҳим рол ўйнайди. Бу манфий босим нафас олиш ҳаракати вақтида ташқи муҳитдан ўпкага ҳаво сўрилишини таъминлайди. Бундан ташқари, кўкрак қафасидаги манфий босим вена томирларидаги қоннинг кўкрак қафасидаги пастки ва юқориги ковак веналарига сўриб олинишига ва юракнинг ўнг бўлмасига қўйилишига қулайлик яратади. Нафас олиш ва нафас чиқариш ҳаракатларида, яъни нафас олганда ўпкалар ҳажмининг кенгайиб-торайишида кўкрак қафаси ва плевра бўшлиғидаги босимнинг манфий бўлиши (атмосфера босимиға нисбатан 6 мм симоб устуни чамасида паст бўлиши) муҳим рол ўйнайди. Бу манфий босим нафас олиш ҳаракати вақтида ташқи муҳитдан ўпкага ҳаво сўрилишини таъминлайди. Бундан ташқари, кўкрак қафасидаги манфий босим вена томирларидаги қоннинг кўкрак қафасидаги пастки ва юқориги ковак веналарига сўриб олинишига ва юракнинг ўнг бўлмасига қўйилишига қулайлик яратади.

Ўпканинг тириклик сигими. Нафас олиш ва нафас чиқариш ҳаракатлари натижасида ўпкаларга, яъни уларнинг алвеолаларига узлуксиз равишида ташқи муҳитдан ҳаво кириб ва чиқиб туради. Одам тинч турганда ўртача 500 мл ҳаво олади ва шунча ҳавони чиқаради. Бунга нафас ҳавоси дейилади. Одам чуқур нафас олса, тинч нафас олгандаги 500 мл нафас ҳавъосининг устига ўпкага яна 1500 мл ҳаво кириши мумкин (қўшимча ҳаво). Одам тинч нафас чиқаришдан сўнг (нафас ҳавоси 500 мл) чуқур нафас чиқарса, ўпкадан яна 1500 мл ҳаво чиқаради (резерв ҳаво). Шундай қилиб, нафас ҳавоси 500 м¹⁺ қўшимча ҳаво 1500 мл + резерв ҳаво 1500 мл=3500 мл ўпканинг тириклик сифимини ташкил этади. Эркакларда ўпканинг тириклик сифими 3500-4500 мл гача, аёлларда - 3000-3500 мл гача бўлади. Жисмоний чиниқкан одамларда бу кўрсаткич кўпроқ бўлади. Қолдиқ ҳаво. Чуқур нафас чиқарилгандан кейин ўпка алвеолаларида 1000-1500 мл ҳаво қолади, бу қолдиқ ҳаводир. Ўпканинг тириклик сифими спирометр асбобида аниқланади. Спирометр икки хии бўлади: сувли спирометр ва ҳаволи спирометр (36-расм). Ўпкаларнинг тириклик сифимини аниқлаш учун одам чуқур нафас олиб, сўнгра спирометр асбобининг найчасига бор кучи билан чуқур пуфлайди. Сувли спирометр ички силиндрининг юқорига кўтарилишига, ҳаволи спирометрнинг эса стрелкаси силжиб кўрсатган рақамига қараб, ўпкаларнинг тириклик сифими қанча эканлигини билиш мумкин. Жисмоний меҳнат, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчи, чиниқканодамларда ўпканинг тириклик сифими ортиб, 4500-6500 мл га йетади. Аксинча, жисмонан ожиз, жисмоний машқлар билан шуғулланмайдиган одамларда ўпканинг тириклик сифими юқорида кўрсатилган нормадан (3500 мм дан) кам бўлиши мумкин. Ўпкалар тириклик сифимини кам ёки кўп бўлишига қараб, одамнинг жисмонан чиниқканлиги ёки чиниқмаганлигига баҳо бериш мумкин. Ўпкалар вентиляцияси. Одам тинч турган вақтда бир минутда 16-18 марта нафас олади. Ҳар бир нафас олганда 500 мл атмосфера ҳавоси ўпкага киради. Агар бир минутдаги нафас сони ҳар бир марта нафас олганда ўпкага кирган ҳаво мжҳдорига кўпайтирилса, ўпканинг минутлик вентиляцияси келиб чиқади. Тинч ҳолатда ўпканинг минутлик вентиляцияси 8-9 л га teng. Масалан, бир минутда 16 марта нафас олинса, ҳар бир нафас олганда ўпкага 500 мл ҳаво киради: $16 \times 500 = 8000$ мл.



Сувли спирометр ёрдамида ўпканинг тириклик сифимини аниқлаш.

5. Ўпка ва тўқималарда газлар алмашинуви

Нафас билан қабул қилинадиган ва чиқариладиган ҳавонинг таркиби. Атмосфера ҳавоси таркибида 20,94% кислород, 0,03% карбонат ангидрид, 79,3% азот бўлади. Бошқа газлар жуда кам миқдордабўлади. Нафас билан чиқарилган ҳаво таркибида эса 16,3% кислород, 4% карбонат ангидрид, 79,7% азот бўлади. Ўпка алвеолалари ичидағи ҳаво таркибида 14,2-14,6% кислород, 5,5-5,7% карбонат ангидрид ва 80% азот бўлади. Нафас билан чиқариладиган ва ўпка алвеолалари ичидағи ҳавонинг таркиби бир-биридан фарқ қилишига сабаб шуки, ўпка алвеолаларидан нафас билан чиқариладиган ҳаво нафас йўлларидаги (бронхлар ва трахеялардаги) ҳаво билан амлашади. Нафас йўлларидаги ҳавонинг таркиби атмосфера ҳавосининг таркибига яқин бўлади, чунки у нафас органи билан қон ўртасидаги газлар алмашинувида иштирок этмайди.

Ўпкаларда газлар алмашинуви. Нафас органларининг тузилиши мавзусида айтилганидек, одамнинг иккала ўпкасида жуда кўп майда пуфакчалар, яъни алвеолалар бўлиб, уларнинг сони ўртacha 750 миллионга яқин, умумий сатҳи 100 м дан ошади. Алвеолаларнинг бундай катта сатҳи ўпкада газлар алмашинуви тез ўтишини таъминлайди. Алвеолаламинг девори жуда юпқа (0,004 мм) бўлади. Уларнинг атрофини майда қон томирлари тўрсимон шаклда ўраб турибди. Нафас олган вақтда атмосфера ҳавоси нафас йўллари орқали алвеолалар бўшлиғига кимди. Алвеолалар ва улар атрофини ўраб турган майда қон томирлари девори ўртасида диффузия йўли билан газлар алмашинади. Алвеола бўшлиғидаги ҳаво таркибидаги кислород қонга ўтади, қондаги карбонат ангидрид гази эса алвеолаларга ўтади. Бунинг сабаби шундаки, алвеолалардаги ҳаво таркибидаги кислороднинг босими юқори, қон таркибида эса карбонат ангидрид газининг босими юқори бўлишидир. Тинч ҳолатда одам бир минутда атмосфера ҳавосидан 250-300 мл кислород қабул қиласи.

Тўқималарда газ алмашинуви. Ўпка алвеолаларидан диффузия йўли билан қонга ўтган кислород қизил қон танаҷалари-эритроцитлар таркибидаги гемоглобин билан биришиб, одам танасининг барча тўқималарига боради. Қон билан тўқималар (хужайралар) ўртасида газ алмашинуви ҳам худди ўпка алвеолалари билан қон томирлари ўртасидаги газлар алмашинувига ўхшаб, диффузия йўли билан бомди. Конда кислороднинг босими юқори бўлганлиги учун у тўқимага ўтади, тўқимада эса карбонат ангидрид газининг босими юқори бўлиб, у қонга ўтади. Шундай қилиб, тўқимага келган артериал қон кислородни тўқимага ўтказади ва тўқимадан карбонат ангидрид газини қабул қилиб, веноз қонга айланади. Бу веноз қон юқори ва пастки ковак веналар орқали юракнинг ўнг бўлмасига қуилиб, ундан ўнг қоринчага ўтади. Сўнгра ўпка артерияси ўпка алвеолаларига боради ва ўзидағи карбонат ангидридни беради. Ўпкадан кислород қабул қилиб, артериал қонга айланади. Бу қон ўпка веналари юмкнинг чап бўлмасига, ундан чап қоринчага қуилади. Сўнгра аортага ўтади ва артерия томирлари ҳамда майда капиллярларга

бўлиниб, тананинг барча тўқима ва ҳужайраларини кислород билан таъминлайди.

6. Турли муҳим шароитида нафас олиши

Атмосфем босими 760 мм симоб устунига тенг бўлганида, одам организмидаги барсниль физиологик амёнлар, жумладан, нафас олиш жараёни ҳам нормал ўтади. Ҳаво босимининг пасайиши ёки кўтарилиши нафас олиш жараёнига маълум дамжада салбий таъсир кўрсатади. Атмосфера босими паст бўлганда, яъни баланд тоғлар устида, самолётда юқорига кўтарилиганда ҳаво таркибида кислород камаяди. Бундай шароитда организмда кислород етишмаслиги туфайли (гипоксия) одамда тоғ касаллигининг белгилари юзага келади: нафас олиш ва юрак уриши тезлашади, бош оғрийди, кўз тинади, кўнгил айнийди. Агар бунда зарур миқдорда кислород етказиб берилмаса, у хушини йўқотиши мумкин. Шунинг учун ҳам самолётда учганда ҳавога кислород кўшиб берилади. Тоғли жойларда яшовчи одамлар шу шароитга мослашган бўлади. Уларнинг қонида эритроцитларнинг сони кўпаяди, бу эса ҳаводаги кислородни кўпроқ миқдорда ўзлаштиришга ёрдам беради. Нормал атмосфера босими шароитида яшайдиган одамлар тоғли жойларга бориши зарурияти туғилганда, улар баландликка бирданига эмас, балки аста-секин, организмини мослаштирган ҳолда кўтарилиши керак. Шунда тоғ касаллигининг олдини олиш мумкин. Юқори атмосфера босими шароитида, яъни сув остида, чукур горликларда одам қони таркибида, тўқима ва ҳужайра суюқликларида эриган газларнинг миқдори кўпаяди. Айниқса, азот гази эриган ҳолда миянинг қон томирларида тўпланади. Агар одам бундай шароитдан жуда тезлик билан нормал босимли шароитга ўтса, эриган азот гази майда пуфакчаларга айланиб, қон томирларида тиқилиб қолади ва Кессон касаллиги юзага келади. Бунда одамнинг боши айланади, кўнгли айниб қусади, ҳамма бўғимларида ва белида оғриқ пайдо бўлади, баъзан хушини йўқотиши мумкин. Бундай ҳолларда ёрдам кўрсатиш учун bemomi яна сув остига ёки юқори босимли бошқа жойга (махсус камерага) ўтказиш керак. Бу касалликнинг олдини олиш учун юқори босимли жойдан ҳаво босими нормал шароитга аста-секинлик билан ўтиш керак. Шунда қонда эриган газлар пуфакчаларга айланмайди ва қон томирларига тиқилиб қолмайди. Бундан ташқари, сув остида баъзи ишларни бажарадиган мутахассисларга махсус баллонларда нафас оладиган ҳавосига азот гази ўмига гелий гази қўшиб берилади. Чунки гелий гази юқори босимли шароитда эримайди ва қон томирларида газ пуфакчаларни ҳосил қилмайди.


Жисмоний машқлар бажараётганда нафас олиши. Жисмоний меҳнат, жисмоний тарбия ва спорт машқлари билан шуғулланганда нафас олиш тезлашади. Тинч ҳолатда одам бир минутда 16-18 марта нафас олади ва ўпкаларининг минутлик вентиляцияси 8- 9 л га тенг бўлади. Жисмоний машқлар бажарганда эса уларнинг тезлигига қараб бир минутда нафас олиш сони 40-60 мартага йетади ва, ҳатто, ундан ҳам ортиши, ўпкаламинг

минутлик вентиляцияси 50-100 л гача кўпайиши мумкин. Тинч ҳолатда бир минутда одам организми 250-300 мл кислород ўзлаштиради. Жисмоний машқлар бажарганда эса кислород ўзлаштириш 4500-5000 мл гача кўпайиши мумкин. Бундай кўп миқдордаги кислородни ўпкадан тўқималарга етказиб бериш учун юрак-қон томирлари системасининг иш фаолияти кучаяди. Масалан, тинч ҳолатда юракнинг систолик ҳажми (юрак бир марта қисқарганда чиқариладиган қоннинг миқдори) 65-70 мл бўлади, жисмоний машқ бажарганда 150-200 мл гача ортади. Бир минутда юрак тинч ҳолатда 70 марта қисқаради, жисмоний машқ бажарганда эсақисқариш тезлиги минутига 150-200 мартагача кўпаяди. Демак, тинч ҳолатда юрак бир минутда томирларга 5 л қон чиқарса, жисмоний машқ бажарганда бу қоннинг миқдори 20-30 л гача кўпаяди. Шундай қилиб, жисмоний машқ билан шуғулланганда тўқималаминг кислородга талаби ортади. Бу эса бир томондан, нафас олишнинг тезлашиши ва ўпканинг минутлик вентиляцияси кўпайиши, иккинчи томондан, юракнинг иш фаолияти кучайиши, яъни қисқариш тезлигининг ортиши, унинг систолик ва минутлик ҳажми кўпайиши билан ифодаланади. Шундай қилиб, жисмоний меҳнат, жисмоний тарбия ва спорт машқлари нафас олиш ҳамда қон айланиш органларининг яхши ривожланишига, чиниқишига, одамнинг иш қобилияти ортишига, ва унинг соғлом бўлишига олиб келади.

7. Нафас олишнинг бошқарилиши

Нафас олиш орқали одам организми барча ҳужайра ва тўқималаминг кислородга бўлган эҳтиёжи таъминланади. Организмнинг кислородга эҳтиёжи одамнинг тинч ҳолатида кам, ухлаган вақтида ундан ҳам кам, жисмоний машқ бажарганда эса кўпайиб, тинч ҳолатдагига нисбатан 5-10 марта ортади. Одам турли ҳолатда бўлишига қараб, нафас олиш ва чиқариш ҳаракатлари, нафаснинг юзаки ва чуқур бўлиши автоматик ҳолда ўзгариб туради. Нафас ҳаракатларини бажарувчи мускуллар фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғланган. Бу боғланиш нерв ва гуморал йўл билан бошқарилади. Нафас олишнинг нерв системаси орқали бошқарилиши. Бош миянинг энг пастки қисми бўлган узунчоқ мияда нафас маркази, орқа миянинг бўйин қисмida диафрагма ҳаракатини бошқарувчи нервларнинг маркази, орқа миянинг кўкрак қисмida қовурғалараро мускулларнинг фаолиятини бошқарувчи нервлар маркази жойлашган. Узунчоқ миядаги нафас олиш марказидан ҳар 4-5 секундда ритмик равишда нерв импулслари орқа миянинг бўйин ва кўкрак қисмida жойлашган диафрагма ва қовурғалараро мускуллар ҳаракатини бошқарувчи нерв марказларига таъсир қилиб, улами қўзғатади. Бу қўзғалиш нерв толалари орқали диафрагма ва қовурғалараро мускулларни ҳаракатлантиради. Натижада нафас олиш ва чиқариш жараёни автоматик равишда бошқарилади. Нафас олишни бошқарувчи олий нерв маркази бош мия ярим шарлари пўстлоғида жойлашган. Бу олий нерв маркази орқали одам нафас олишни маълум вақт

давомида ихтиёрий равишда тўхтатиб туриши мумкин, лекин бунинг натижасида организмда карбонат ангидрид кўпайиб кетиши туфайли узунчоқ миядаги нафас маркази кучли қўзғалиб, автоматикнафас олиш юзага келади. Нафас олишнинг олий нерв маркази одам турли ҳолатларда бўлганда, яъни сўзлаганда, куйлаганда, жисмоний машқ бажарганда, юрганда нафас олиш тезлигини, унинг юзаки ёки чукур бўлишини мувозанатлаштириб туради. Бу марказда нафас олиш шартли рефлекслари ҳосил бўлади.



Л.Фредерик тажрибаси

Нафас олишнинг гуморал бошқарилиши. Кон таркибидаги карбонат ангидрид миқдори нафас олишнинг бошқарилишида муҳим рол ўйнайди. Конда карбонат ангидрид миқдори кўпайса, у узунчоқ миядаги нафас марказини қўзғатади ва нафас олиш тезлашади. Агар ўқувчилар дераза ва эшиклари ёпилган синфда узоқ вақт ўтиrsa, синф ҳавоси таркибида карбонат ангидрид гази миқдори кўпаяди. Бундай ҳаводан нафас олиш натижасида улар қонида бу газ миқдори ортиб кетади ва у нафас марказини кучли қўзғатиб, нафас олишнинг тезлашувига сабаб бўлади. Бу ҳол давом этаверса, ўқувчиларда бош айланиш, уйқу босиш, эснаш, умумий ҳолсизлик ва нафас қисиши каби нохуш белгилар юзага кеълиши мумкин. Бу ҳолатлар қонда ва тўқималарда карбонат ангидрид кўпайиши ҳамда кислород камайиши натижасида содир бўлади. Конда карбонат ангидрид миқдорининг кўпайиши нафас марказига қўзғатувчи сифатида таъсир кўрсатишини Л. Фредерик ўз тажрибасида аниқлаган. Бунинг учун наркоз ёрдамида хушсизлантирилган иккита итнинг уйқу артериялари ва бўйинтурук веналарини кесиб, бирбирига шун дай уланадики, бунда қон биринчи итнинг танасидан иккинчи итнинг бошига, иккинчи итнинг танасидан биринчи итнинг бошига оқиб борадиган бўлган. Биринчи итнинг трахеясини бармоқ билан босиб, унинг ўпкасига ҳаво кириши тўхтатилади. Шу вақтда иккинчи ит гўё унга ҳаво етишмагандек тез-тез нафас ола бошлайди, ҳолбуки, унинг ўпкасига ҳаво кириши тўсилмаган. Бунинг сабаби шундаки, биринчи итнинг трахеяси босилиб, ўпкасига ҳаво кириши тўсилганлиги туфайли унингқонида карбонат ангидрид миқдори кўпаяди ва у уланган қон томири орқали иккинчи итнинг қонига ўтиб, унинг нафас марказини қўзғатиши налжасида нафас олиши тезлашади. Одам жисмоний машқ бажарган вақтда унинг қонида карбонат ангидриднинг миқдори кўпаяди ва у нафас марказини қўзғатиб, нафас олишни тезлаштиради. Машқларни бажариш тезлиги қанча катта бўлса, нафас олиш шунча тезлашади. Конда карбонат ангидрид миқдори камайиб, нормага келиши билан нафас олиш секинлашади. Шундай қилиб, қон таркибидаги карбонат ангидрид миқдорининг кўпайиши ёки камайиши

гуморал ёъл билан нафас марказига таъсир этиб, нафас олишнинг бошқарилишида иштирок этади.

8. Сунъий нафас олдириши

Одам шикастланганда, сувга чўкканда ва бошқа оғир касалликларда миядаги нафас марказининг иши бузилиб, нафас тўхтаб қолиши мумкин. Бундай вақтда bemорга ёрдам бериш мақсадида сунъий нафас олдирилади. Сунъий нафас олдириш икки усулида: “оғиздан-оғизга” ёки “оғиздан-бурунга” усулида амалга оширилади. Оғиздан-оғизга сунъий нафас олдириш қуидагича бажарилади: Бемор текис жойга чалқанча ётқизилади. Унинг оғзидаги қўпик резина баллонча ёрдамида сўриб олинади ёки бармоққа бинт ўраб артиб олинади. Беморнинг елкаси остига юпқа ёстиқ қўйилади. Сўнгра ёрдам берувчи одам бир қўли билан bemорнинг бўйнини орқа томонидан, иккинчи қўл билан бошининг тепа қисмидан ушлаб, бошини орқа томонга эгади. Унинг тили орқа томонга кетиб, бурун-ҳалқумини ёпиб қўймаслиги учун у бир оз олдинга тортилади ва кузатиб турилади. Беморнинг оғзига икки қават бинт ёпилади. Ёрдам берувчи унинг ён томонида ўтириб, бир қўлини унинг бўйнини орқа томонидан ўтказиб, иккинчи қўли билан унинг бумини қисади. Ўзи чуқур нафас олиб, лабини bemор лабига қўйиб, бинт орқали унинг оғзига бор кучи билан пуфлайди. Шундан кейин bemоминг бурнини қисиши тўхтатади. Шу вақтда bemоминг кўкраги бир оз шишса, пуфлаган ҳаво унинг ўпкасига борган бўлади. Сўнгра ёрдам берувчи одам ўзи ёки иккинчи ёрдам берувчи икки қўлининг кафтини bemор кўкрагининг икки томонига қўйиб босади. Шу вақт унинг ўпкасидаги ҳаво ташқарига чиқади. Сўнгра bemоминг бурнини яна қисиб, оғзини оғзига қўйиб пуфлашни такрорлайди. Пуфлаш ҳар 4-5 секундда такрорланади, яни бир минутда 12-15 марта пуфланади ва кўкрагини босиб нафас чиқарилади. Агар bemоминг юраги ишлаб турган бўлса, то унинг ўзи нафас ола бошлангунча сунъий нафас олдириш давом эттирилади.

Ўғиздан - оғизга усулида сунъий нафас олдириши.



1



2

9. Нафас олиш аъзоларининг касалликлари

Нафас олиш аъзоларининг касалликлари икки турга бўлинади: 1. Нафас олиш аъзоЖарининг яллиғланиш касалликлари. 2. Нафас олиш аъзоларининг юқумли касалликлари. Нафас олиш аъзоларининг яллиғланиш касалликлари. Нафас олиш аъзоларининг ҳар бир қисми ички юзасини қоплаб турувчи шиИлик парда ташқи об-ҳаво ҳароратининг ўзгариши, ҳаво таркибидаги чанг заррачалари, кимёвий моддалар таъсирида яллиғланиши мумкин. Нафас олиш аъзоЖарининг айрим қисмлари, яъни бурун, томоқ, хиқилдоқ, трахея, бронхлар ва ўпкаларинг ҳар бири алоҳида яллиғланиши ёки уларнинг ҳаммаси бир вақтда яллиғланиши мумкин. Шунга кўрн, юзага кечадиган касаллик белгилари турлича бўлади. Бурун ички шиУик пардасининг яллиғланиши (ринит) одамда акса уриш, бурундан сув оқиши, бурун орқали нафас олишнинг қийинлашиши билан намоён бўлади. Бунда ўрта қулоқ билан бурун ҳалқум бўшлиқларини туташтириб турувчи евстахий найининг шиллик пардаси ҳам яллиғланиши туфайли ўрта қулоқ бўшлиғида ҳаво босими ўзгаради. Бунинг натижасида айрим ҳолларда қулоқнинг ноғорасимон пардаси яллиғланади, таранглашиб оғрийди, баъзан тана ҳарорати кўтарилади. Томоқ шиллик пардаси яллиғланганда (жарингит) томоқда, оғриқ сезилади, овқат ютиш қийинлашади. Кўпинча томоқдаги бодомсимон безлар ҳам яллиғланади. Бу касаллик ангина деб аталади. Бунда бемор дармонсизланади, тана ҳарорати кўтарилиши мумкин. Ўз вақтида даволаш тадбирлари кўрилмаса, томоқ безларидаги микроблар лимфа ва қон орқали юрак, буйрак ва бошқа органлами заарлаши мумкин. Хиқилдоқ шиллик пардасининг яллиғланиши (ларингит) одамда қуруқ ва қўпол, оғрикли ёътал, товушнинг бўғилиши билан ифодаланади. Трахея ва бронх шиллик пардасининг яллиғланиши (трахеит ва бронхит) кўпинча бирга содир бўлади. Йўталиш, йўталган вақтда тўш суюги орқа томонининг қирилиб оғриши, шилимшиқ балғам ажралиши бу касалликнинг асосий белгисидир. Ўпка тўқимасининг яллиғланиши зотилжам касаллиги деб аталади. Бунда бемор йўталади, нафас олиши тезлашади, кўкрак қафасида оғриқ, дармонсизлик, тана ҳароратининг кўтарилиши каби белгилар юзага келади. Ўпкани ташқи томондан ўраб турувчи плевра пардасининг яллиғланиши плеврит деб аталади. Плеврит икки хил: қуруқ ва экссудатли бўлади. Қуруқ плевритда плевра пардалари яллиғланиши туфайли кўкрак қафасида оғриқ сезилади. экссудатли (ҳоли) плевритда икки қават плевра пардаси орасига суюқлик тўпланади. Бу суюқлик ўпкани қисиб қўйиши туфайли бемоминг нафас олиши қийинлашади, унинг лаблари кўкаради, умумий ҳолати оғирлашади.

Нафас олиш аъзоларининг юқумли касалликлари. Нафас олиш аъзоларининг юқумли касалликларидан аҳоли ўртасида кўп учрайдигани грипп ва ўпка силидир.

Грипп. Бу касалликни маҳсус грипп вируслари қўзғатади. Улар уч хил: (А, Б, С) бўлади. Булардан ташқари, аденоvirus деб аталувчи вируслар ҳам гриппга ўхшаш касалликни келтириб чиқаради. Грипп касаллиги кўпинча куз

ва қиши фаслларида тарқалади. Об-ҳавонинг совиши одамнинг нафас аъзолари яллиғланишига сабаб бўлади. Яллиғланган шиллик пардаларда эса вирусларнинг яшаси ва кўпайиши учун қулай шароит туғилади. Бундан ташқари, куз ва қиши фаслларида одамлар қўпроқ ёпиқ биноларда бўлади. Бунда битта бемордаги касаллик вируси кўплаб одамга юқишига шароит яратилади. Вирус асосан ҳаво-нафас ёъллари орқали юқади. Грипп касаллиги йўталиш, акса уриш, бурундан сув оқиши, ҳолсизлик, бош оғриши, тана ҳароратининг кўтарилиши, қўл-оёқларнинг қақшаб оғриши, иштаҳа пасайиши, баязида кўнгил айниши ва қусиш каби белгилари билан характерланади. Грипп касаллиги билан оғриган бемор, касаллик белгилари юзага келиши биланоқ алоҳида хонага ётқизилиши керак. У кўчага чиқмаслиги, ҳатто шифохонага ҳам бормаслиги шарт. Чунки битта бемор ўнлаб ва юзлаб соғлом одамларга касаллик юқтириши мумкин. Шунинг учун шифокор уйга чақирилади. Беморни парвариш қилувчилар оғиз-бурунларига тўрт қаватли дока ниқоб тутишлари зарур. Унинг идиш-товоқлари, сочиқ ва бошқа буюмлари алоҳида бўлиши шарт. Хонанинг эшик дастасига хлорамин ёки хлорли оҳакнинг 0,5% ли эритмасига намланган дока боғлаб қўйилади. Унинг ҳавосини тез-тез янгилаб туриш лозим.

Ўпка сили. Сил (туберкулёт) юқумли касаллик ҳисобланади. Касаллик қўзғатувчи микробни 1882-йилда немис олимни Роберт Кох аниқлаган, шунинг учун унинг номи билан Кох бацилласи деб аталади. Касалликни қўзғатувчи микроб ҳаво, идиш-товоқлар, қайнатилмаган сув орқали юқади. Чунки сил касаллиги билан оғриган беморнинг балғами ва тупук томчиларидағи микроблар ҳавога тарқалиб, идиш-товоқларни, сочиқ ва бошқа буюмларни заарлаши, улар орқали соғлом одамларга юқиши мумкин. Микроблар касалланган сигирнинг қайнатилмаган сути орқали ҳам юқиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, одам организмига сил микроблари тушганда ҳамма вақт ҳам касаллик содир бўлавермайди. Одатда, заифлашган, чиниқмаган одам организмидаги микроб яшаси ва кўпайиши учун қулай шароит бўлади. Натижада бундай одам касалланади. Сил касаллигининг белгилари куйидагилар: дармонсизлик, иштаҳа йўқолиши, ухлаган вақтда терлаш, бўлган сари оза бориш, рангнинг оқариб-сарғайиши, бўйин, қўлтиқ ости лимфа безларининг мош, нўхат ҳажмида катталашиб, бармоқ билан пайпаслагандаги сезилиши. Бу белгилар пайдо бўлиши биланоқ касаллик аниқланиб, унга даво қилинмаса, аста-секин бемор йўталиб балғам ажратади. Бу эса ўпка силининг чуқурлашганини билдиради. Ўпка силидан ташқари, жағ ости лимфа безлари сили, ичак ва буйрак сили, суяқ сили ва бошқа аъзоларнинг сил касаллиги бўлади. Сил касаллигининг олдини олиш учун одам ёшлиқ чоғиданоқ касалликка берилмаслик чораларини кўриши лозим. Шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, тартиб асосида сифатли овқатланиш, бадантарбия, меҳнат режимига риоя қилиш зарур. Булардан ташқари, болалар чақалоқлигидан бошлаб то мактаблли битиргунича маълум муддатларда силга қарши эмланади. Ҳар йили бир марта тиббий кўрикдан ўтиб туриши лозим. Касалликнинг юқорида айтиб ўтилган белгилари сезилса, зудлик билан шифокорга мурожаат этиш зарур.

10. Нафас олиш аъзолари гигиенаси

Нафас олиш аъзоларининг нормал ривожланиши, уларни ҳар хил касалликлардан муҳофаза қилишда гигиена қоидаларига риоя этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун аввало ҳар бир одам ёшлиқдан бошлаб бурун орқали нафас олишга одатланиши керак. Чунки бурун шиллик пардасида майда тукчалар бўлиб, улар ҳаводаги чанг заррачалари, микроблар, вирусларни тутиб қолади ва ички нафас аъзоларига ўтказмайди. Бундан ташқари, бурун шиллик пардаси бир неча қаватдан тузилганлиги учун у жуда катта сатҳга эга (2 мл). Бурун шиллик қаватининг бундай тузилиши бурун бўшлиғи орқали совуқ ҳаво ўтаётганда унинг исишига имкон беради. Бундай исиган ҳаво нафас олиш аъзоларини шамоллашдан сақлайди. Шунингдек, ҳаво бурун бўшлиғи орқали ўтганда намланади. Одам ёшлигидан, айниқса юрганда, чопганда, жисмоний машқ бажарганда бурун орқали чукур нафас олиш ва чиқаришга одатланиши керак. Бунинг натижасида нафас харакатларида иштирок этувчи қовурғалараро мускуллар ва диафрагма яхши ривожланади, ўпканинг тириклиқ сифими ортади. Организмни турли шароитда чиниқтириш, совуқ сувда ювениш, очик ҳавода сайр қилиш ва машқ бажариш кабилар нафас олиш органлари касалликларининг олдини олишга ёрдам беради. Чекишининг нафас олиш аъзоларига заарли таъсири. Чекиш энг заарли одатлардан бири ҳисобланади. Илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, тамаки тутуни таркибида 3 мингдан кўпроқ заҳарли модда бор экан. Шулардан никотин, аммиак, карбонат ангидрид, бензол кабилар одам организмининг барча аъзоларига, жумладан, нафас олиш аъзоларига заҳарли таъсир кўрсатади. Масалан, тамаки тутуни таркибидаги карбонат ангидрид қоннинг эритроцитлари таркибидаги гемоглобин билан биришиб, мия, юрак ва бошқа ҳаётий муҳим аъзоларнинг кислород билан таъминланишини бузади. Тамаки тутуни таркибида ўсма (рак) касаллигини юзага келтирувчи 50 дан ортиқ кансероген моддалар бор. Шунинг учун чекувчилар орасида чекмайдиганларга қараганда ўпка ўсмаси 20 марта кўп учрайди. Чекувчи ўз организмини заҳарлашидан ташқари, атрофдаги одамлар соғлиғи учун ҳам катта заарар етказади.

Чекилаётган сигаретадан ва чекувчининг нафас органларидан ажralадиган тутун таркибидаги заҳарли моддалар атроф-муҳит ҳавосини ифлослайди ва ҳаво билан атрофдаги одамларнинг нафас органларига киради. Айниқса, чекувчи ўз оила аъзоларига кўп заарар етказади. Кузатишлардан маълум бўлишича, чекувчи эркакларнинг хотинлари чекмайдиган эркакларнинг хотинларига нисбатан 4 йил кам умр кўрар экан. Улар, айниқса, ўсма, сурункали бронхиткасалликлари билан кўп касалланади. Чекувчилар оиласидаги болалар доимо заарланган ҳаводан нафас олганлиги туфайли уларда нафас органларининг яллиғланиш ва аллергия касалликлари кўп учрайди. Халқаро Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, чекиш оқибатида юзага келадиган касалликлардан ҳар йили дунёда икки ярим миллион киши ҳалок бўлади. Чекиш оилага катта моддий заарар ҳам етказади.